

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари
қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”
УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси



А.Абдуллаев

2022 йил

ХОНОБОД ШАХРИДАГИ “WATER LIFE MINERAL” МЧЖ ХУДУДИДА ОКАВА СУВ
ИНШООТИНИ ҚУРИШ ВА ТАРМОКЛАРНИ ТОРТИШ ОБЪЕКТИНИ
ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

БАРЧА ҚУРИЛИШ ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи: Хонобод шаҳрида “Water life Mineral” МЧЖ ҳудудида оқава сув иншоотини қуриш ва тармоқларни тортиш объектини қурилиш-монтаж ишларини бажариш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 1 391 480 541 (Бир миллиард уч юз тўқсон бир миллион тўрт юз саксон минг беш юз қирқ бир) сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 45_ кун.

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси

Жойлашган манзили- Андижон шаҳар Чинабод кўчаси 59-уй,
телефон- 0-374-226-86-69

Молиялаштириш манбаси: Республика бюджети (сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривожлантириш жамғармаси)

Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, лицензияга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва етарли тажрибага эга бўлишлари шарт.

- ◆ Тасдиқланган Танлов ҳужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали www.etender.uzex.uz дан юклаб олиш мумкин;
- ◆ Иштирокчи Танлов ҳужжатларини махсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, қабул қилишни охириги муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- ◆ www.etender.uzex.uz махсус порталига электрон тарзда юкланган таклиф (оферталар) комиссия томонидан кўриб чиқилади.

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:



А.Абдуллаев

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси ДУК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси Танловда иштирок этишга иштирокчиларни таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича Танлов таклифини электрон такдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: **Хонобод шахрида “Water life Mineral” МЧЖ ҳудудида оқава сув иншоотини қуриш ва тармоқларни тортиш объектини қурилиш-монтаж ишларини бажариш.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) **1 391 480 541 (Бир миллиард уч юз тўқсон бир миллион тўрт юз саксон минг беш юз қирк бир) сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **45 кун.**

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: **Республика бюджети (сув таъминоти ва оқава сув тизимини ривожлантириш жамғармаси)**

Танловда таклиф этилган шартлар бўйича мулчилик шаклидан қатъий назар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фукаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

Тегишли лицензияларга эга бўлиши:

доимий ходимлари, жумладан техник-муҳандис ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, жумладан, Танлов предметида кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун етарли офис техникалари, лойиҳалаштириш учун тегишли электрон дастурларга эга бўлиши;

Молиявий ҳолати:

Танлов предметида ўхшаш объектларда ишлаганлиги бўйича етарли тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, жумладан ўз кучи билан аввал бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни такдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Қуйидаги Танлов иштирокчиларига Танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;

Буюртмачи билан судлашув жараёнида бўлган ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш такдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар ва кўрсатмалар Танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва Танлов таклифини тузиш мақсадида, Танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари хусусан ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини такдим этилиши ҳақида буюртмачига мурожаат қилишга ҳақли.

Таклифларни топшириш Танлов иштирокчисининг Танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Оферталарни кўриб чиқиш электрон тизим орқали амалга оширилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

- 1.1. Буюртмачи - Танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, Танлов ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича Танлов ўтказилишини эълон қилади.
- 1.2. Танловнинг тури – очик Танлов, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.
- 1.3. Ишлар Танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.
- 1.4. Қурилиш-монтаж ишларини, лойиха смета-ҳужжатларига мувофиқ, сметадан четга чиқмаган ҳолда ва ўзгартиришлар киритмасдан ишларни бажариш.
- 1.5. Танлов ҳужжатлари элетрон тарзда берилган ҳужжатлар аосида ишлаб чиқилади. Бунда пудратчи ўзининг таклифида экспертиза ижобий хулосасини ўз ҳисобидан олиб беришини ҳисобга олиши лозим.

II. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

- 2.1. Ушбу Танлов ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа қонуности, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари доирасида ишлаб чиқилган. Умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.
- 2.2. Умумий қисм Танлов иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур Йўриқноманинг, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

2-шакл. Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

3-шакл. Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

4-шакл. Танлов предметига ўхшаш объектларда етарли иш тажрибаси.

5-шакл. Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда зарур техникалар рўйхати.

6-шакл. Танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

7-шакл. Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлик тўғрисида далолатнома.

2.2.2. техник қисм:

- давлат экспертизаси ва смета ҳужжати

Изоҳ: Қурилиш-монтаж ишларни бажарилиши учун ҳолатига қараб ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.

- *Молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартномадан иборат.*

III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

- 3.1. Мазкур лойиха ишлари бўйича Танловда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар Танлов иштирокчиси бўлиши мумкин.
- 3.2. Танлов иштирокчиси Танловда иштирок этиш учун Танлов ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур Йўриқноманинг VII-боби талабларига биноан Танлов таклифини тақдим этиши зарур.
- 3.3. Танлов иштирокчиси ўзининг Танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак.

Бунда буюртмачи, Танлов комиссияси Танлов натижаларидан катъий назар, мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлов иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) Танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи Танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу Танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида Танлов иштирокчиси ёзма равишда Танлов ташкилотчисига Танлов ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида муурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Танлов иштирокчилари учун хабарнома тузишдан аввал оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироз учун асос бўла олмайди.

V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Танлов иштирокчилари Танлов ва лойиха олди ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, Танлов иштирокчилари Танлов предметининг лойиха олди ҳужжатларини буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилган ҳужжатлар орқали ўрганади.

Шунингдек, буюртмачи лойиха олди ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианты)ни Танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабидан оқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Танлов иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини бориб кўришлари, АРТ ва техник топшириқларни жойнинг ўзида ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш Танлов иштирокчисининг юкоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

VI. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, Танловга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, Танлов иштирокчилари билан буюртмачи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлов иштирокчиси томонидан тайёрланган Танлов таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлов иштирокчиси Танлов таклифини мазкур Танлов ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва Танлов ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, Танлов иштирокчиси Танлов таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Танлов иштирокчиси ўз Танлов таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Танлов таклифлари, электрон нусхада ва Танлов ҳужжати талаблари асосида шакллантирилган бўлиши керак.

7.2. Топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар таркиби:

7.2.1. Иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдорини тизимнинг махсус ҳисоб рақамига

ўтказилади ва миқдори ТАЖда кўрсатилади.

7.2.2. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади.

7.2.3. Танлов иштирокчиси охириги 3 йилдаги молиявий кўрсаткичлари. (2-шакл). Шаклни тўлдиришда ўз фаолияти давридаги молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар киритилиши лозим. Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилиниши мумкин.

7.2.4. Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.5. Танлов предметиға ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда Танлов иштирокчиси Танлов предметиға ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак.

7.2.6. Танлов иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган офис оргтехникаси, компьютер дастурларининг рўйхати (5-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара асосидаги офис техникаларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда Танлов иштирокчиси лойиҳа-смета ишларини бажариш даврида ҳақиқий бўлган ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.7. Иштирокчининг Танлов ўтказилаётган даврдаги жорий лойиҳа ишлари шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл).

7.2.8. Иштирокчининг Танлов ўтказилаётган даврдаги жорий лойиҳа шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл)

7.2.9. Курилиш майдони кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома. (7-шакл)

7.2.10. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.11. Лицензиялар ёки рухсатномаларнинг нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.12. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга Танлов иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

7.3. Танловда қатнашиш буюртмаси таъминотини қуйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.3.1. Танлов ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.3.2. Бошқа иштирокчиларга - Танлов ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.3.3. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.4. Буюртма таъминотини қайтариш, тизим томонидан автоматик тарзда қайтарилди.

7.5. Танловда иштирок этишга буюртма таъминоти қуйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.5.1. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, Танлов таклифининг амал қилиш муддати ва 7.3.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган офертанга;

7.5.2. Танлов ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда ёки Танлов ҳужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака Танлови орқали Танлов ўтказилганда биринчи йиғма жилд ҳужжатлари малакавий ҳужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари эса Танлов таклифи деб ҳисобланади.

VIII. ТАНЛОВ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатиға биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар Танлов иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Танлов иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниқлашда

оралик суммалар жамланади. Танлов иштирокчилар ишларни Танловда иштирок этаётганда ишларнинг таклиф этилаётган қийматини, ишларнинг шартномавий баҳолардаги тўғридан-тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак.

8.2. Танлов иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.3. Сўз билан ёзилган нарх ва ракам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.4. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.5. Танловда белгиланган ишларнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буюртмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири) бундан мустасно.

IX. ТАНЛОВ ТАКЛИФНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Танлов таклифининг амал қилиш даври ҳужжатлар топширилгандан сўнг 12 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Танлов иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг электрон жойлаштириш керак.

10.2. Таклифнинг ҳужжатлари, барча шакиллари электрон вариантда ҳар бир бети Танлов иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзоланган ва Танлов иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Танлов иштирокчиларига хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари Танлов таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Танлов ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки Танлов иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно.

Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Танлов комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Танлов ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар Танлов таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

XI. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

11.1. Таклиф берилганидан сўнг, Танлов иштирокчиси Танлов таклифига ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас.

11.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан сўнг таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

XII. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ

12.1. Танлов таклифлари қабул қилиш муддати тугагандан сўнг, комиссия томонидан кўриб чиқилади.

XIII. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

13.1. Танлов иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

13.2. Танлов иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жihatдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган Танлов таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

13.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуйидаги шаклда тўлдирилади:

XIV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛОВ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

14.1. Танлов таклифларини техник қисми Танлов комиссияси томонидан баҳолангандан сўнг техник қисм натижаларини инобатга олган ҳолда тизим орқали автоматик тарзда ғолиб аниқланади.

14.2. Агар Танлов комиссияси томонидан таклиф ҳужжатларининг бирортасини Танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда Танлов иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан Танловдан четлатилади.

14.3. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

XV. ТАНЛОВ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

15. Танлов ғолибини эълон қилиш электрон тарзда аниқланади ва Танлов баёни электрон шакилланади.

XVI. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ

16.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича шартномани имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

16.2. Шартнома ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, Танлов ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

16.3. Агар Танлов ғолиби мазкур Танлов ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, Танлов комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган Танлов иштирокчисини Танлов ғолиби деб топиши ёки тақрорий Танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

16.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур Танлов ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Электрон тизим Танловни қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини яқунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида Танлов комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса;
- Танлов иштирокчилари таклиф этган нархлар Танлов предметининг бошланғич қийматидан ошиқ бўлса;

- Танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда Танлов ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Танловни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши Танловнинг бирон-бир иштирокчиси (Танлов комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, Танлов иштирокчилар) ни мулкый ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар Танлов бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий Танлов ўтказилади. Бунда Танлов ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

XXII. ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим Танлов предмети бўйича ва Танлов ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус коидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси
2.	Объект номи:	Ҳонобод шаҳрида “Water life Mineral” МЧЖ ҳудудида оқова сув иншоотини қуриш ва тармоқларни тортиш объектини қурилиш-монтаж ишларини бажариш.
3.	Танлов тури:	<i>Очиқ Танлов</i>
4.	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<i>Etender.uzex.uz</i>
5.	Танловда иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдори:	Танловда иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдори тизимнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Танлов буюртмасининг таъминлаш кафолати миқдори 27 829 610 сўм (объектни бошлангич кийматининг 2 фоизи миқдорида)
7.	Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<i>Etender.uzex.uz махсус ахборот портали</i>
8.	Танловда иштирок этишга қуйидаги ташкилотларга рухсат этилади:	<i>Вилоят бўйича қатнашувчи иштирокчиларга 15% миқдорда проференция қўлланилади.</i>
9.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари:	
10.	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	<i>Etender.uzex.uz махсус ахборот порталида белгиланади.</i>
11.	Танлов ҳужжатининг тили:	<i>Ўзбек тили</i>
12.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	таклифларни баҳолаш даври Танлов таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 10 иш кунни ташкил этади

13.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	ҚҚС билан 1 391 480 541 сўм
14.	Буюртмачи – томонидан белгиланган лойиха ишлаб чиқиш муддати	<u>45 кун</u>
15.	Молиялаштириш манбаси:	<i>Республика бюджетидан (сўв таъминоти ва оқова сўв тизимини ривожлантириш жамғармаси)</i>
16.	Лойихани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак (аванс) - Танлов натижаларига кўра жорий йил учун аниқланган ишларнинг қиймати 30 фоизи миқдорида; ажратилган бўнак, ушлаб қолганини ҳисобга олган ҳолда, бажариладиган ишлар қийматининг 60 фоизи миқдоригача; қолган 10 фоизи – 1 йил кафолат муддати Буюртмачига топширилгандан сўнг (Акт вввод, Обмер)
17.	Шартнома тили:	<i>Ўзбек тили</i>
18.	Шартнома валютаси:	<i>сўм.</i>
19.	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати:	<i>Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси; Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, низом, гувоҳнома нусхаси</i>
20	Иштирокчиларнинг техник қисмдан ўтиш бали	<i>80 бал ва ундан юқори бал тўплаган иштирокчилар</i>

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи _____
 Танлов иштирокчиси раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми _____
 Манзили ва телефон (факс) рақами _____
 Юридик мақоми _____
 Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) _____
 Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) _____

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (Лойиҳа бош муҳандиси ва бошқалар)

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	лойиҳалашда иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Кадрлар бўлими бошлиғи:

/имзо ва муҳр/

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “ _____ ” _____ 20__ й.

Изоҳ: Танлов иштирокчисининг кейинги ----- йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу таъкилотда камидан 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

(Шаклга кейинги ----- йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)

(Танлов иштирокчисининг номи)

АКТИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й	ПАССИВЛАР	2019 й	2020 й	2021 й
Узоқ муддатли активлар				Ўз маблағлари манбаи			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шундан Ишлаб чиқариш фондлари				Таксимланмаган фойда			
Қолдик киймат				Мажбуриятлар			
Капитал қуйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Жорий активлар				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

Номи	20__ й	20__ й	20__ й	Номи	20__ й	20__ й	20__ й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари				Умумхўжалик фаолият бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиғи тўловигача фойда				11. Зарар			
7. Даромад солиғи				шундан асосий фаолиятдан			
				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси _____

Охириги ----- йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми?

**Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

СТИ Р	Ташкил от тоифаси	Ташкилот томонидан ўтган йил (20__ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари											
		Асосий воситала р қолдик (баланс) қиймати Ф-1, 012- сатри	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициен ти (1,25) =9/(10-11)	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар			Ўз айланма маблағлари билан таъминланганл ик коэффициенти (0,20) =(13+14+15- 16)/17	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар					
				390 - сат р	770 - сат р	490 - сат р		480 - сат р	570 - сат р	580 - сат р	130 - сат р	390 - сат р	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{пл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}, \text{ бунда:}$$

A2 - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу қабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

П2 - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

ДО - узок муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифода қилади.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ос} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2}, \text{ бунда:}$$

A1 - узок муддатли активлар (асосий воситалар, нөмоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу қабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

П1 - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу қабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

Дзк2 - узок муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узок муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар _____ Бош ҳисобчи _____

муҳр

Сана: « ____ » _____ 20__ й.

Изоҳ: Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясининг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ҲОДИМЛАР ЎРТАЧА
СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Давр	СТИР	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010- сатри), минг сўмда	Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда	Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)
1	2	3	4	5
X		X	X	X
Ўтган йил (20__ йил) якуни бўйича	X			
Жорий йил (20__ йил) охириги ҳисобот даври бўйича	X			
Жами	X			

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси
камерал назорат бўлими бошлиғи

**- ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА
ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ**

(Танлов шитирокчисининг номи)

т/р	Объект номи, шартнома суммаси, ишларнинг бошланиш ва яқунланиш санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				2019 й.	2020 й.	2021 й.
	Жами:					

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

Тасдиқланган: _____
(бош ҳисобчи имзоси)

Изоҳ: Маълумотлар Танлов шитирокчиси томонидан шартнома ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

**ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ОРГТЕХНИКА, ИШЛАРГА ОИД
КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИНГ
РЎЙХАТИ**

Т/ Р	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансида ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
ОФИС ТЕХНИКАЛАРИ							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Ҳаммаси						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

Изоҳлар:

1. 8 устунга техникасининг Танлов иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.

2. Ижарага оргтехника олинганда ижара шартноманинг нусхаси тақдим этилади (шартнома ишларни бажариши даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖОРИЙ ДАВРДАГИ БОШҚА
(ШУНГА ЎХШАШ ШАРТНОМАЛАРИ) ОБЪЕКТЛАРИ**

т/р	Буюртмачи номи	Объект номи	Шартнома бўйича бажарилган ишлар суммаси	Шартнома суммаси, бошланиш ва якунланиш санаси	Мавжуд офис ва оргтехника номлари	Танловнинг предмети – лойихани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган оргтехника сони – (ойлар бўйича)			
						7	8	9	10
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

Изоҳлар:

1. Бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.
2. Объектда бажарилиши лозим бўлган ишлари учун келгусида жалб этиладиган **техника** сони кўрсатилади.

**ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИК ТЎҒРИСИДА
ДАЛОЛАТНОМА**

Ушбу билан тасдикланадики, Туман “Сув Таъминоти” МЧЖ ходими
_____ ва МФЙ раиси _____, Мен

(Ф.И.О, лавозими)

_____ томонидан 20__ йил _____ да

берилган ишончномага асосан қуйидагиларни батафсил ўргандим:

а) Танлов ҳужжатларини

б) Қурилиш-монтаж ишларни физик иш ҳажмларини ҳужжатларини

Мазкур ишларни сифатли, тўла ўз вақтида бажарилишига келгусидаги ишларнинг қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда ишларни бажариш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

Изоҳ: ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, физик иш ҳажмлари, объектга зарур техникалар, мавжуд бино иншоотлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалалар.

Қатнашчининг ваколатли вакили: _____

(Ф.И.О)

_____ *(имзо)*

Ташқилот раҳбарининг имзоси: _____

(имзо)

Туман “Сув Таъминоти” МЧЖ ходими _____

(имзо)

Тузилган санаси: “___” _____ 2022 йил

№: _____ Сана: _____

Харид комиссиясига

КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА
АРИЗА

Мен, _____ (харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади) товар етказиб бериш учун (таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид хукукбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг қуйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўқнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид хукукбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

..: _____ Раҳбарнинг Ф.И.Ш

Телефон/факс раками: _____